

ШАХРИСАБЗНИНГ ҚАДИМИЙ ҲАММОМЛАРИ

Мамадиев Баходир Бобожонович,

Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори

Аннотация. Шарқ ҳаммомлари ушбу мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар тарихий маълумотлар ва саёҳатчиларнинг ўзига хос таърифларидан кенг маълум бўлган Мусулмон Шарқидаги ҳаммомлар европа ҳаммомларидан фарқли ўлароқ, покланиш жойи, ҳордиқ чиқариш ва маънавият маркази маскани сифатида фаолият юритган. Шаҳрисабз ҳаммоми ўрта асрлар ҳаммомининг анъанавий услубида қурилган. У XIV-XV асрларда барпо этилган.

Калит сўзлар. Яқин Шарқ, ҳаммоми, қайим, заббал, ваққос, саққа, Иссиқхона, бугхона, ишқорли сув.

ДРЕВНИЕ БАНИ ШАХРИСАБЗА

Мамадиев Баходир Бободжонович,

директор Государственного музея истории и культуры Кашкадарьинской области

Аннотация. Восточные бани занимают особое место в образе жизни жителей этих стран. Из исторических свидетельств и собственных описаний путешественников широко известно, что бани на мусульманском Востоке, в отличие от европейских бань, выполняли функции места очищения, отдыха и духовного центра. Баня Шахрисабза построена в традиционном стиле средневековой бани. Он был построен в XIV-XV веках.

Ключевые слова. Ближний Восток, баня, каим, заббал, ваккос, сакка, теплица, парилка, щелочная вода.

ANCIENT BATHS OF SHAHRISABZ

Mamadiev Bakhodir Bobojonovich,

Director of the State Museum of History and Culture of Kashkadarya Region

Abstract. Oriental baths occupy a special place in the lifestyle of the people of these countries. They are widely known from historical accounts and travelers' own descriptions that baths in the Muslim East, unlike European baths, functioned as a place of purification, recreation, and spiritual center. The Shahrissabz bathhouse was built in the traditional style of a medieval bathhouse. It was built in the XIV-XV centuries.

Key words. Middle East, bathhouse, qayim, zabbal, waqqos, saqqah, greenhouse, steam room, alkaline water.

КИРИШ. Шарқ ҳаммомлари Яқин Шарқ мамлакатлари моддий ва бадий маданиятининг алоҳида қисмини ифодалайди. Улар тарихий маълумотлар ва саёҳатчиларнинг ўзига хос таърифларидан кенг маълум бўлган: «Ҳаммомларнинг сони ва сифати шаҳарнинг гуллаб-яшнашининг ўлчови бўлиб хизмат қилган ва ўрта асрлар муаллифларининг тавсифларида албатта қайд этилган»[1].

Шарқда ҳаммомлар эрамиздан олдинги V асрда Сурияда қурилган бўлиб, Муҳаммад а.с. у ҳаммомни кўрган ва халифаликнинг барча ҳудудларида жамоатчилик маиший муассаси сифатида қурилишига тавсия берган деб ҳисобланади. Мусулмон Шарқидаги ҳаммомлар европа ҳаммомларидан фарқли ўлароқ, покланиш жойи, ҳордиқ чиқариш ва маънавият маркази маскани сифатида фаолият юритган[2].

АСОСИЙ ҚИСМ

А.Метзнинг фикрига кўра, жамоат ҳаммомлари Форс шаҳарларида V асрдаёқ кенг тарқалган. Улар шоҳ Балаш (484-488), кейин шоҳ Кубод даврида қурилган. Яқин Шарқда бундай тузилмалар илк ислом даврида жуда кенг тарқалган. Аммо X асрнинг охиридан бошлаб, уларнинг сони камайиб кета бошлади. Уша даврдаги (X-XIII асрлар) ҳаммом ходимлари камида беш кишидан иборат бўлган: ҳаммом хизматчиси (ҳаммоми), хизматчи (қайим), ҳаммомни иситиш учун тезак (заббал) тайёрловчи, кўрикчи (ваққос) ва ичимлик суви сотувчиси (саққа)[3].

Бу ерда жамоат ҳаммомлари нафақат гигиеник, балки тиббий муолажалар ҳам олиб борилган улар чой ичиш билан мулоқот қиладиган, янгиликлар муҳокама қилинадиган, фойдали би-

тимлар тузиладиган эркаклар клубига ўхшарди. Ҳаммомларнинг меъморий безаклари алоҳида қизиқиш уйғотади. Ал-Масудийнинг таъкидлашича, ҳаммомда кўпинча ажойиб ҳайвон ал-Анқо, одам юзли, бургут тумшуги, икки қаноти ва қўллари бўлган қуш тасвирини учратиш мумкин бўлган.

Бу хусусиятларнинг барчаси Ўрта Осиёнинг кўплаб ҳаммомларига хос эди. X-XI асрларда уларда ўтказиладиган тиббий муолажалар ҳақида Абу Али Ибн Сино, хусусан, бу нафақат соғломлаштириш массажи, балки турли хил ўтлар, инфузиялар ва бошқалар билан даволанишни ҳам ўз ичига олганлигини қайд этади.

“Саломатликни асраш” асарида ҳаммомларни куриш ва безаш, доривор инфузиялар таркиби ва ҳоказолар бўйича турли тавсиялар берган. Хусусан, у яхши ҳаммомда ўртача ҳарорат, ёруғлик, кенг кийиниш хонаси бўлиши кераклигини ва унда соғлом руҳни сақлаш учун “яхши иш, беғубор гўзаллик, ошиқ ва маҳбуб каби, боғ-у роғлар, чопаётган отликлар ва ёввойи ҳайвонлар” суратлари бўлишини тавсия этади[4].

X-XI асрларда Тараздаги ҳаммом ўз тартиби ва архитектураси жиҳатидан Ўрта Осиё классик ҳаммомларига яқинроқ бўлиб, ер ости ўт ёқиш каналлари орқали ягона иситиш тизимига эга бўлган кўп камерали иншоот бўлган. Иссиқхонада баданнинг иссиқлик чиқариши қисман тўхтайдиган, унинг ҳарорати 380-390 гача кўтарилади. Организмда оксидланиш жараёни ва моддалар алмашинуви кўчаяди. Бадандан кучли тер чиқиши туфайли организмда моддалар алмашинувида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг чиқиб кетиши зўраяди, буйракнинг ишлаши енгиллашади. Иссиқ ҳаво таъсирида тери капиллярлари очилади ва қон томирлари кенгайиб, қон айланиши яхшиланади. Юрак касаллиги, атеросклероз, аневризма, гипертония билан оғриган кишилар, шунингдек болаларнинг иссиқхонадан (буғхона) фойдаланишлари ярамайди.

А.Л.Кун келтирган маълумотларга кўра, XIX асрнинг иккинчи ярмида Шаҳрисабзда 14 та гузар, 7 та карвонсарой ва 2 та ҳаммом бор эди.

Шаҳрисабз ҳаммоми ўрта асрлар ҳаммомининг анъанавий услубида қурилган. У XIV-XV асрларда барпо этилган.

Шаҳрисабздаги ҳаммом XVIII-XIX асрларга, яъни Шаҳрисабз беклари ҳокимлик қилган вақтларга мансуб деб ҳисоблаб келинади. Лекин бу ҳаммомнинг бундан кўра анча кўхна бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Маҳаллий маълумотларга кўра, ҳаммомнинг ёши 700 йилга тенг[5:123]. Ҳаммомнинг тузилиши ва қурилиш тархига кўра ушбу бино Самарқанд ва Бухородаги ҳаммомлардан анча аввал қурилган. Шаҳрисабз ҳаммоми XIX аср охири XX аср бошларида ўзининг «дардга даво»лиги билан машҳур бўлган эди. Шу боисдан бу ҳаммомга келувчилар кети узилмаган. Ҳаммом тўғри бурчакли бўлиб, жанубдан шимолга томон бир оз чўзилган. Одатда, тўғри бурчак кўринишидаги бинода бирон бурчакка устги кийимларни ечиладиган хона ва бошқа ёрдамчи хона қуриш учун имкон бўлмайди.

Ҳаммомнинг умумий майдони - 22,5x15 метр. Бинолар қўндалангига уч қатор, узунасига иморат бўйлаб тўрт қатор қилиб жойлаштирилган. Киришда оддий ва дам оладиган хона мавжуд, дам оладиган хонада организмни юқори ҳароратга ўтишга кўниктириш учун мосланган мўътадил ҳарорат бўлади. Чўмилувчи одатда бу жойдан ўртадаги ҳовлига ўтади, бу хона, квадрат шаклидан иборат, унинг ёнлаб жойлаштирилган кесик бурчакли очиқ хоначалари бўлиб, чуқур ўйилган тахмонлардан иборат хонадир. Жанубга томон боришда яна учта хона-қайноқ, иссиқ ва совуқ сувлар билан кераклича таъминланган кирхона жойлашган.

Шунга мувофиқ равишда катта сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, улар кирхоналарга дарчалар билан туташтирилган[6:1492-1495]. Идишларга эса бинонинг жануби-шарқ бурчагида жойлашган кудукдан сув олиб турилади. Бино остида иситиш учун тутунлар юриб турадиган 35-50 см кесимли зичгина тармоқлари бўлган.

Бионинг саҳни ва супаларига мрамартошлардан ётқизиб чиқилган. Асосий хоналар эса қалқонсимон гумбаз билан ёпилган. Бу каби ҳоллар ҳаммомни қадимий, аммо XV-XVI асрдан аввалги эмас, дейишга имкон беради. Шаҳрисабзда бу ҳаммомдан ташқари яна бир ҳаммом бўлиб у бизнинг давримизгача етиб келмаган[7:1-6]. Катта ёшдаги аҳоли орасида бу ҳаммом бек ўрдаси яқинида бўлганлиги, унга фақат ўрдага алоқадор одамлар кириши ҳамда қаттиқ кўриқланганлиги ҳақидаги умумий маълумотлар учрайди. Тарихий манбаларда ҳам тузилиши, қурилиши даври ва бошқа керакли маълумотлар учрамайди.

Ҳаммомларнинг ечиниш хонаси, чой ичиб ҳордиқ чиқариладиган катта хона, ўртадаги аосий уқалаш хонаси, унинг атрофидаги ювиниладиган хоналар бўлиб, улар катта ва кичик гум-

базлар билан ёпилган. Ғишт, тош териб ишланган ҳовузакларда (бак) иссиқ ва қайноқ сувлар бўлган. Хоналарнинг пастги қисми (поли) қайноқ ҳаво билан иситилган. Хоналардан хоналарга ўтилган [8:96-100] (хоналар ичкарига томон тобора исий борган). Ҳаммомнинг барча хоналарининг оқова сувлар чиқиб кетишига мўлжалланган ариқчалар ўтказилган, хушбуй сув ва кул сув (ишқорли сув) учун мўлжалланган ҳовузчалар сирти сувга чидамли махсус қоришмалар (“қир”) билан қопланган.

Деворлар ганч билан сувалган, сирланган сопол парчинлар билан безатилган. Ҳаммомнинг барча хоналарининг ўзига хос вазифаси бўлган. Марказий залдан олдин оёқни ювиш ва иссиққа мослашиш учун учта ўтиш хонаси келади. Марказий залнинг орқасидаги учта хона, совунлаб ювинадиган хона бўлган. Залнинг шарқ ва ғарб томонида жойлашган иккита чуқур тахмон уқалаш хонаси бўлган. Ўз даврида Шаҳрисабздаги ҳаммом ҳам эҳтимол, безакли бўлгандир. Шаҳрисабз ҳаммомининг тарҳи ва ички жихозлари пухта ўйлаб қилинган. Иссиқликни сақлаб қолиш мақсадида у чуқур қилинган.

Шаҳрисабз ҳаммомлари бошқа жойларда каби ўзининг “даволовчи” хусусиятлари билан машҳур бўлиб, одамлар турли жойлардан Шаҳрисабз ҳаммомларига даво истаб келишганлиги маълум.

ЎзФА Археология институти ва Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи ҳамкорликда, А.Райимқулов раҳбарлигида 2014 йил август ойида Шаҳрисабз шаҳрида қурилиш ва ер қазилар ишлари ўтказилаётган майдонларда археологик назорат ва археологик қазилар ишлари олиб бордилар. Олиб борилган тадқиқотлар даврида Шаҳрисабз шаҳар деҳқон бозоридан 50-55 м шарқ томонида XIV асрга оид ҳаммом қолдиқлари топилди (координатлари - 39°3'14.49»N; 66°49'42.30»E). Ҳаммомнинг 4 та хонаси сақланиб қолган. Иншоот ўша давр меъморлари томонидан аввалдан тайёрланган мукамал асосида, Мовароуннаҳр меъморчилигида X-XI асрлардан бошлаб шаклланган ҳаммомлар қуриш анъаналарига риоя қилинган ҳолда пишиқ ғишлардан бунёд этилган.

Ҳаммом қурилишида ўлчамлари 24x24x4,5 см, 24,5x24,5x5 см, 25x25x5 см бўлган квадрат шаклдаги пишиқ ғишлар ишлатилган. Бизгача ҳаммомдаги ювиниш хоналарининг остки қисми, яъни ҳаммом хоналарини иситишда иссиқ ҳаво айланишига имкон берадиган пол ости қурилмаларининг мавжуд қисми сақланиб қолган.

Бу ўлчамдаги пишиқ ғишлардан Зарафшон ва Қашқадарё воҳаси ёдгорликлари қурилишида XIV асрнинг 1-ярмида фойдаланилган бўлиб, улар ушбу ҳаммомнинг қурилиши даврини аниқлашга ёрдам беради. Ўрта асрларда қурилган қадимий ҳаммомлар [9:121-123] Самарқанддаги Афросиёбда, Наманган вилоятидаги Ахсикет ёдгорлигида, Фарғона вилоятидаги Қува шаҳар ёдгорлигида, Бухорода ва Хоразмда очиб ўрганилган. XVI асрда қурилган ҳаммомлар Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳозир қадар мавжуд.

Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур даврига оид яна бир ҳаммом қолдиқлари 2002 йилда Доруссаодат меъморий мажмуасининг жануб томонида очиб ўрганилган. Лекин XIV асрнинг 1-ярмига оид ҳаммом қолдиқлари шу пайтгача топилмаган. Шунинг учун мана шу даврга оид ушбу ҳаммом қолдиқлари топилиши мана шу давр меъморчилигини ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

ЎзФА Археология институти ҳамда Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи илмий ходимлари томонидан Доруссаодат меъморий мажмуасининг жанубий қисмида археологик кузатув ишлари амалга оширилди [10:128-131]. Тадқиқотлар натижасида, Амир Темур ва темурийлар даврига оид бино қолдиқлари аниқланди. Сақланиб қолган бионинг жанубий деворлари 30 мни, шарқий деворлари 10 мни ташкил этган. Мазкур ёдгорликда олиб борган тадқиқотларимиз натижа-сида 5 та хонадан иборат XIV –XV асрларга хос, пишиқ ғишдан қилинган ҳаммом ҳудудидан тахминан 1 млар баландликда сақланиб қолган девор қисмлари, пол остида ўтган иситиш камераларининг ўрни, кўплаб майолика ва мозаикалар, сопол идиш бўлақлари ўрни ҳамда ташноб ўрни очиб ўрганилди. Қулга киритилган археологик топилмалар асосида шуни айтиш мумкинки, бино Доруссаодат меъморий комплекси билан бир даврда бунёд этилган бўлиб, XIX-аср охирига қадар фаолият кўрсатган. Кейинчалик харобага айланган ҳаммом қабристон билан бирлашиб кетиб, XX асрнинг 50 йиллари қадар маҳаллий аҳоли дафн этилган. Бундан кўринадики, Амир Темур темурийлар хилхонаси қуриш баробарида, унинг ҳудудида зиёрат қилиш учун покланиш ҳамда маҳаллий аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга қаратилган меъморий иншоотлар қурилишини эътиборга олган. Тадқиқотлардан темурийлар даври ҳаммомининг нақадар бой меъморий ечимларга эга

эканлигини[11:73-76], унинг қурилишида ўз даврининг юксак безак усулларидан фойдаланилганлигини англашимиз мумкин бўлади.

Ўрта асрларда ҳаммомлар аҳолининг ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Сайёх Ал-Муқаддасий Бухорода сиз “чиройли ҳаммомлар, кенг кўчалар, чучук сувлар ва гўзал бинолар”ни топасиз, деб ёзган[12]. Ҳаммомлар гавжум савдо кўчалари бўйлаб, бозорларда ва мадраса ва масжидларга яқин жойда қурилган. Буни Наршахийнинг X асрда келтирган қуйидаги маълумотлари тасдиқлайди. Вазир Абдулмалик Сомоний Аҳмад Ал-Утбий “Хон ҳаммоми ёнида, мадраса рўпарасида жуда яхши масжид қурдириб, бу ҳудуднинг безакларини ташкил этган”[13].

Ҳаммом Шарқ меъморчилигига хос анъанавий тузилишга эга бўлган. Ҳаммом ва резервуарларни иситиш бинонинг жанубий четига олов қутисидан чиқадиган ер ости тутун каналлари орқали амалга оширилган. Ҳаммомнинг тагига мармар плиталар ётқизилган. Заллар фақат гумбазларнинг зенитидаги тешиқлар орқали ёритилган. Ички томонлари бой безатилган. Ҳаммом қуришнинг яна бир хусусияти ҳақида, тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, мадраса биноси олдида, масжид ёнида кўплаб ҳаммомлар қурилган бўлиб, бу мадраса аҳли учун ҳам, масжидга ташриф буюрувчилар ва унинг атрофидаги ҳудудлар аҳолиси учун ҳам жуда қулай бўлган. Бу муносабатлар X асрдаёқ кенг тарқалган эди. Масалан, Сомонийлар даврида (X аср) Бухорода маълум бир мадраса рўпарасида ҳаммом бўлиб, унинг ёнида вазир Аҳмад Ал-Утбий масжид қурдирган[14].

XII асрда Арслонхон томонидан мадраса сифатида берилган сарой ҳаммом билан бирга ушбу ўқув юрти вақфига ўтган. XI-XII асрлар меъморчилигида ҳам худди шундай намуналарни топилган. Масалан, XV-XVI асрларда Улғубек мадрасаси рўпарасида 1552-йилда Абдулазизхон мадрасаси қўрилгунга қадар Хожа Аҳрорнинг ҳаммоми[15] бўлганлиги маълум ёки яна бир мисол, 1566-1567 йилларда Абдуллахон II қурдирган хон ҳаммоми олдида у ҳам муҳташам Модарихон мадрасасини бунёд этган[15].

XV асрга келиб Марказий Осиё ҳаммомларининг тури аллақачон ривожланган. Улар, Яқин Шарқдаги кўплаб шунга ўхшаш тузилмалар сингари, ер ости ўт ёқиш каналлари тизими билан иситилади уларнинг резервлари йилига бир марта кул ва лойдан тозаланади. Оловли каналлар фақат ювиниш қисми томонидан ўтқазилган. Ёчиниш хоналарини фақат у ерга кирган иссиқ ҳаво иситган.

Кейинчалик, ҳаммомлар ерга бироз қазилган, кўп гумбазли тузилма бўлиб, у ерда пишган ғиштдан қилинган, кўп гумбазли ювиниш мажмуаси, кийиниш хонаси, ўчоқ ва ёнилғи омбори ажралиб турган. Бундай ҳаммомлардан асосий мақсад ўз номига эга бўлган ҳар бирин бинога кириш, чўмилиш залларининг ҳароратини босқичма-босқич ошириш эди.

Жамоат марказларида - масжидлар, бозорлар ва мадрасалар яқинида жойлашган ва жуда кўп ташриф буюрадиган давлат муассасаси бўлган ҳаммомлар ўз эгаларига катта даромад келтирган. Шу боис олий давлат амалдорлари ва руҳонийлар бундай турдаги иншоотларни қуриш ва сотиб олиш ёки уларни вақф мулкига беришдан тортинишмаган.

Ўрта Осиёнинг илк ҳаммомлари сақланиб қолмаган, аммо уларнинг меъморчилиги бизга археологик маълумотлардан маълум. Унга кўра, бундай биноларнинг тури дарҳол шаклланимаган ва шаклланишнинг бир неча босқичларидан ўтган. Масалан, Самарқанд-Афросиёб қадимий манзил-гоҳининг турли қисмларида жойлашган IX-X асрларга оид бешта ҳаммом меъморчилиги функцияси жиҳатидан XV-XVII асрлардаги бинолар тузилишига жуда ўхшаш бўлган.

XV-XVII асрларда Қир эритмаси асосан қуйидаги таркибда бўлган: оҳак, кул, узум шиниси, тухум, гуруч сомони ва ботқоқ қамиш кули, ёпишқоқлиги учун қамишнинг пахмоғи. Ушбу аралашмани хунарманд-ларнинг ўзлари тайёрлаб, айрим усталар эритманинг таркиби ва нисбатларини бироз ўзгартиришган.

Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида ҳаммомлар тартибини фарқлаш В.Л.Воронина томонидан тақдим этилган. Унинг тадқиқотларига кўра, Ўрта Осиё ҳаммомлари биноларнинг ўхшаш таркибига ва иситишнинг ягона жиҳати-ер ости каналларига эгаллигидир.

ХУЛОСА

Хуллас, ҳаммомлар режа тузилишида бирмунча фарқ қилган. XX-асрда кийиниш хонасига айланган чор-харанинг дам олиш хонасидан (тўртта югуриш) улар люнги-хонага боориш мумкин бўлган ва у ерда «люнги» камарини беришган. Бухорода бу хонани форсча пой-шуи аввал деб аташган; ундан кейин оралик хона - пой-шуи сони, яъни мос равишда оёқларни ювиш учун биринчи ва иккинчи хоналар жойлашган. Меҳмон бу хоналарнинг иссиқлигига мослашган

холда, миён-саройнинг марказий қисмида суфа жойлашган баланд гумбазли асосий залига ўтилган. Бу суфа, шунингдек, бу залнинг ён томонларидаги суфалар массаж тўшаклари бўлиб хизмат қилган. Саккиз бурчакли асосий даҳлиздан тор йўлақлар ҳароратлари юқори ва ўртача бўлган ювиниш хоналари – гарм хона ва хунук хонадонга олиб борган. Бу ювиниш хоналари, мос равишда, девордаги дераза орқали тортилган иссиқ ва совуқ сувли резервуарларга уланган. Баъзи ҳаммомларда майда ҳожатхоналар, шунингдек, ён тарафларида жойлашган кичик масжидлар бўлиб, кўпинча ғарбга йўналтирилган меҳроб бўлган.

Безакга келсак, В.Л.Воронинанинг маълумотларига кўра, ўрта аср ҳаммомлари «ўз безакларини йўқотган» деб ҳисоблайди. Ва фақат камдан-кам учрайдиган маълумотлар уларни безаш истаги ҳақида гапиради ёки «биноларнинг (ҳаммомларнинг) ташқи кўриниши ҳеч кимни қизиқтирмаган» деб ҳисоблаган.

XV-XVII асрларга оид китоб миниатюраси маълумотларига кўра, «ҳаммомга кўчадан кириш кичик олд портал кўринишида алоҳида эҳтиёткорлик билан яратилган». Бир қатор миниатюраларда («Хоразмшоҳ Фаҳр ар-Розий ҳаммомда» - Хайрат ал-Аброр, Ҳирот, 1491-1492, ҳаттот Султон Али Машҳадий, Винздор, Қироллик кутубхонаси ва бошқалар) кўра хулоса қилиш мумкинки, бинолар дастлаб турли йўллар билан безатилган [16]. Ҳаммомларнинг поллари, бугунги кунгача сақланиб қолган биноларда бўлгани каби, мрамор билан қопланган, панеллари олти бурчакли маёлика кошинлари билан безатилган ва периметри бўйлаб нафис гул нақшлари билан чизилган, деворлари нафис девор расмлари билан қопланган. Ўсимлик табиати, гумбаз марказидаги фонар асоси эпиграфик безак чизиғи билан безатилган, фонарнинг тешикларида панжаралар ўрнатилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳаммомларга ташриф буюришда бир қатор маросимларни бажаиш билан боғлиқ бой этнографик анъаналар ҳам мавжуд бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII вв. Силсилат ас-салатин. Ташкент: изд. «ФАН» АН РЎз. 1985.
2. Равшанов П., Н.Хушвақов. Қашқадарёга тарихий саёҳат. Тошкент “Илм-зиё-заковат” нашриёти. 2020.
3. Большаков О.Г. Ислам и изобразительное искусство. // Труды Государственного Эрмитажа. Т. X. Л., 1969.
4. Воронина В.Л. Бани-хаммам у народов Советского Союза и стран зарубежного Востока. //Архитектурное наследство. М., 1983. № 31.
5. Хасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморичилиги. 2019. 123-6
6. Hasanov, A. (2020). Kesh-Shakhrisabz oasis in the middle ages. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1492-1495.
7. Muminovich, H. A. (2022). TERRITORIAL AND GEOGRAPHICAL LOCATION OF THE CITIES OF THE TERMIZ OASIS IN THE EARLY MIDDLE AGES. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 6, 1-6.
8. Khasanov, A. M. (2021). Historical and Geographical Regions of Chaghaniyan. International Journal of Development and Public Policy, 1(4), 96-100
9. Karimov, B. (2021). Historical Geography of Yakkabog District. International Journal of Development and Public Policy, 1(4), 121-123.
10. Xudaykulovich, E. A. (2022). Handicraft and Trade in Guzar District. International Journal of Development and Public Policy, 1(8), 128-131.
11. Muminov, U. (2021). Historical Gates of Karshi. International Journal of Development and Public Policy, 1(6), 73-76.
12. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Пер. с англ. Л., 1932.
13. Хасанхожа Нисройи. Музаққири Аҳбоб. Форсчадан узбек тилига таржима. Исмоил Бекжон. Тошкент, 1993. М., 1989.
14. Хофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Перевод с фарси на узб яз. С.Мирзаева. Ташкент, 1999.
15. Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжа Ахрара в Средней Азии и Афганистане). М., 197
16. Рахматуллаева С. Дж. Образ средневекового зодчества в миниатюре Мавераннахра XV-XVII вв. Автореф. на соиск. уч. степени кандидата ист. наук. Ташкент, 1991.